


## Туркистон — умумий уйимиз

# ИЛМИЙ САЛОҲИЯТЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

***Юртбошимиз шу йил Қозоғистон Республикаси ҳамда Қирғизистон Республикасига қилган расмий сафарида Ўзбекистон билан бу иккала қўшни давлат ўртасида барча соҳаларда, жумладан илм-фан тараққиётини кўзлаб ҳамкорлик қилиш лозимлигини таъкидлаган, мезбонлар эса бу таклифни мамнуният билан қўллаб-қувватлашган эди.***

Шунга кўра Узбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг раҳбарияти жорий йилнинг июль ойида Қозоғистонда ва Қирғизистонда бўлиб, илмий-техник ҳамкорликка кўмаклашиш бўйича Марказий Осиё давлатлари ўртасида «Туркистон» халқаро илмий-технологик марказ ташкил этиш хусусида келишиб олинганди. Ҳозирги кунда Узбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Қозоғистон Республикаси Фан ва янги технологиялар вазирлиги, Қирғизистон Республикаси Фан ва янги технологиялар қўмитаси ҳамда Таълим-фан вазирлиги ташаббуси билан «Туркистон» марказини ташкил этиш ишлари бормоқда.

— Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгач илмий-техник алоқалар узилиб қолди,— дейди «Туркистон» маркази бош директорининг ўринбосари Одил Очилов.— Аммо Марказий Осиё давлатларнинг барча соҳалардаги муаммолари бир-биридан у қадар кескин фарқ қилмаслиги сабабли мавжуд шароит илм-фанда ўзаро ҳамкорлик қилиш вазифасини қўйди. Ташкил этилаётган «Туркистон» халқаро илмий-технологик марказининг асосий вазифаси бугунги шарт-шароитдан келиб чиқиб фаннинг энг истиқболли соҳаларида ҳамкорлик қилиш, илмий ишланмалар, технологияларни яратишда ҳамжиҳат бўлиш, уларни амалиётга тадбиқ этишда ўзаро кўмаклашиш кабилардан иборат. Айтайлик, бир давлатда мавжуд илмий ишланмани амалиётга тадбиқ этиш имкони қўшни давлатда бор бўлиши мумкин, ёки бир давлатнинг у ёки бу соҳадаги муаммосининг ечими қўшни давлат илмий салоҳияти қўлида бўлиши эҳтимол. Бунда асосий эътибор уччала давлат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилиб, дастлабки фаолият ўз натижаларини нисбатан қисқа вақт ичида берувчи, шу куннинг муаммосини ечувчи кашфиётларни амалга оширишдан бошланади. Бундай ишлардан келган соф илмий ҳамда моддий фойда фундаментал фан ривожига сарфланади.

Уччала томоннинг сентябрь ойидаги келишувига кўра ташкил этилажак «Туркистон» марказининг илмий ҳамкорлик дастури олти асосий лойиҳани ўз ичига олади. Булардан бири «Табиий ва сунъий бирикмалар асосида дори-дармонлар тайёрлаш бўйича самарали технологиянинг ишланмаси» бўлиб, унда Тошкент Давлат университетининг табиий бирикмалар кимёси, неорганик кимё кафедра ва тажрибахоналари, университет қошидаги Амалий физика илмий-тадқиқот институти, Қирғизистон томонидан Республика Фанлар академиясининг органик кимё институти, Қозоғистон томонидан эса «Химфарм» ва «Дармина» ҳиссадорлик жамиятлари фаолият кўрсатади. Бундан ташқари «Монокристалл кремний ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Кучли лазер намуналарини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш», «Усимликларни ҳимоялашда янги самарали кимёвий воситаларни ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш», «Қуёш қуввати ва табиий совуқ ёрдамида шўр сувни ичимлик сувига айлантириш» мавзулари ҳам илмий дастурдан ўрин олган. Бунда Узбекистон томонидан Республика Фанлар академияси қошидаги Электроника институти «Академприбор», «Физика — Қуёш», «МЭЛМА», «Химавтоматика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, Бухоро Давлат университети каби илмий муассасалар ҳам фаолият кўрсатишади.

«Туркистон» халқаро илмий-технологик марказининг бошқаруви пойтахтимизда жойлашиб, қўшни республикаларда унинг бўлимлари фаолият кўрсатади. Бошқа давлатлардаги илмий салоҳиятнинг мақсадлари ушбу марказ мақсадларига мос келса бу давлатлар ҳам «Туркистон» марказига аъзо бўлишлари мумкин. Чунки бу ташкилотнинг йўналиши ҳар қандай сиёсатдан ҳоли бўлиб, илм-фан тараққиёти ва унинг натижаларини амалга татбиқ этишга асосланади.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

## Мардлар қўриқлайди Ватанни

# ШАХСИЙ НАМУНА

Капитан Бахтиёр Ражабов хизмат қилаётган полк зобитлари ўт очиш бўйича дала машқларини ўтказишга киришди. Бунда ўз қўл остидагиларга командирнинг ўзи шахсий намуна кўрсатди. Зобитлардан лейтенант Т. Салоҳов, С. Алиқулов, З. Рустамовлар ўз шахсий қуролларидан фойдаланишда мерганлик маҳоратларини намойиш қилдилар. Машқларнинг навбатдаги босқичида аскарлар ҳаракатига ишонч билан раҳбарлик қила бошладилар. Натижада улар раҳбарлигидаги взводлар яхши натижаларга эришди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, зобитлар ўзларига муносиб ўринбосарлар тайёрлашяпти. Аскарлар устозлари тажрибасини ўрганиб, ўз жанговар маҳоратларини кун сайин, соат сайин оширмоқдалар.

З. ҚОДИРОВ.

# ИЛҒОРЛИККА ИНТИЛИБ

Оддий аскар Раҳимжон Қосимов ҳарбий хизматни бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у илғор сержант ва аскарлардан ўрнак олиб, уларга тенглашишга интилмоқда. Тиришқоқ ва меҳнатсевар йигит ҳар қандай масъулиятли вазифани бажаришдан чўчимайди, уни ўз муддатида бажаришга интилади.

— Раҳимжонга ўхшаган йигитлар билан ишлаш осон кечади, — дейди бўлинма командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари Шуҳрат Насриддинов. — У ўзининг яхши одоби билан ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Шу боисдан у қисқа вақт ичида кўпчилик орасида ҳурмат ва эътибор қозонди.

Яқинда бўлинмада парашют билан сакраш бўйича машғулотлар бўлиб ўтди. Унда оддий аскар ўз командирларининг кўрсатмаларига амал қилиб, топшириқни аъло даражада бажаришга эришди. Машғулотнинг ҳамма босқичларидаги ҳаракатларни шу соҳа талаблари даражасида адо этди. Раҳимжон Қосимовдан ўрнак олган сафдошлари Абдумутал Жўрабоев, Фотиҳ Нуриллинов сингари оддий аскарлар ҳам илғорликка интилмоқдалар.

Лейтенант
Ш. МУҲАММАДИЕВ.



*Ҳозирги кунда кўплаб ишлаб чиқариш жараёнларида токарлик касбини эгаллаган мутахассисларнинг ўрни алоҳида бўлмоқда. Чунки улар ёрдамида кўплаб нозик ишларни амалга ошириш мумкин. Шундай касбни эгаллаган Андрей Раимбеков ҳам бундан бир неча йил аввал ўрганган касби токарликдан бугунги кунда фахрланиб меҳнат қилмоқда. У ҳозир тўртинчи даражали токарь саналади. Очиқ усулдаги геологик бурғулаш ҳиссадорлик жамиятининг тажриба цехидагилар Андрей ишидан жуда мамнундирлар.*

*СУРАТДА: Андрей Раимбеков.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## Шаҳримиз маҳаллаларида

# «БОШЛИҚ»ДАГИ УЧРАШУВ

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида маҳаллалар ҳаётини ўрганиш бўйича тузилган сайёр гуруҳ ўз ишини давом эттирмоқда. Навбатдаги учрашув Яккасарой туманидаги «Бошлиқ» маҳалласида бўлиб ўтди. Бу учрашувга тумандаги Яккасарой-2, Ражабий, Абдулла Қаҳҳор, Дамариқ, Конституция, Қушбеги каби маҳаллаларнинг оқсоқоллари ва фаоллари ҳам келишди.***

«Бошлиқ» маҳалласи ва унга ёндош бўлган маҳаллалар аксарият кўпқаватли уйлардан ташкил топган. Ўзаро мулоқот мавзуси ҳам ана шу шароитдан келиб чиқиб танлангани айни муддао бўлди. Шунга кўра «Туркистон» маҳалласи оқсоқоли, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг бўлим мудири Зиёдилла Давронов сўзга чиқиб, кўпқаватли уйларда турар жойдан фойдаланиш идораларининг қишга тайёргарлик юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизмати, қолаверса уларнинг фаолияти маҳалла маъмурияти билан келишилмаган ҳолда олиб борилаётгани, бу идора маҳалла бошқаруви тасарруфига олиниши лозимлиги хусусида гапирди.

Учрашувда иштирок этган Яккасарой тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Нурилла Насимов бугунги кунда ёш авлод тарбиясини тўғри йўлга қўйишда маҳалла етакчи ўринни эгаллаши хусусида сўзлади. Худди шу масала билан боғлиқ фикрларни «Қушбеги» маҳалласининг оқсоқоли Обид Толипов ҳамда «Бошлиқ» маҳалласи ҳудудида жойлашган 127-мактаб директори Рафиқа Толипова ва бошқалар билдириб, ўз таклифларини киритишди.

Учрашув сўнггида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг масъул ходими Ҳусан Иброҳимов, республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси вазифасини бажарувчи Бахтиёр Дўстхўжаев сўз олиб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар албатта инобатга олинишини билдиришди.

Абдумажид РАҲИМОВ.

## Ёрқин сиймолар

# БУЮКЛАР ДАВРАСИДА ПЕШВО

Оламга машҳур Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк алломаларнинг ватани бўлган юртимиз яна бир забардаст, дунё фанига, маданиятига, хусусан араб тилшунослиги, адабиётшунослиги ривожига илмий ва бадиий асарлари билан улкан ҳисса қўшган олим Аз-Замахшарийнинг ҳам ватанидир.

Аз-Замахшарий ва унинг туғилган юрти ҳақида XI асрда Макка амири Абу Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваххос Шариф Ал-Ҳасаний шеърий усулда шундай деган эди:

**Дунё қишлоқлари Замахшарга**
**фидо бўлсин,**
**Агар дунёда фожиа рўй берса,**
**Амир ҳукмидан фахрлансин учун,**
**Замахшарни бундан ҳоли қилсин.**

Ватанини бу даражада юксак мақтов ва эътиборга сазовор қилган инсон Хоразмнинг Замахшар қишлоғида 1075 (467 ҳижрий) йилда туғилган бўлиб, ўз қишлоғидаги масжидда имомлик қилган. Замахшарий дастлабки илмни ўз отасидан олган. Илмга бўлган қобилияти ва иштиёқини кўрган отаси Умар ибн Аҳмад ўғлини ўқитишни давом эттиради. Бироқ шу орада Маҳмуд йиқилиб, бир оёғидан ажрайди ва бутун умр ёғоч оёқда юришга мажбур бўлади. Тарихчилар бу ҳақда «Бир оёғи ёғочдан эди ва узун яктагини тушириб кийгани учун кўрган одам уни чўлоқ деб ўйларди», деб ёзганлар. Манбаларда унинг чўлоқлиги сабаби тўғрисида ҳам турли ривоятлар келтирилади. Бировлари қаҳратон қишда оёғини совуқ олган десалар, бошқалари отдан йиқилган, яна ўзгаси эса ёшлигида бир ножўя иш қилгани учун онасининг қаттиқ қарғашига учраган, деб ёзади. Бу ҳолат Маҳмуднинг отасида ўғлига чеварлик ҳунарини ўрганиш фикрини туғдиради. Аммо ёшлигидан илмга ҳавасманд ўсган Маҳмуд отасидан ўзини Урганч мадрасаларидан бирига киритиб қўйишни илтимос қилади.

Мадрасада ўқиш даврида хат санъатини яхшигина эгаллаб олади ва моддий эҳтиёжини қондириш учун хаттотлик ҳам қилади. Урганчда таҳсил имкониятларидан фойдаланиб бўлгач, ўқишни давом эттириш мақсадида Бухорога келади. Ўқишни тугатгач, бир неча йил хоразмшоҳлар хизматида бўлади. Бироқ оғир дардга чалинади, бу касалликдан тузалгач эса ҳукмдорлар хизмати-ю мансаб ва мол-дунё таъмасидан мутлақо воз кечади, қолган умрини илм-фанга бағишлашга, асарлар таълиф этишга астойдил қарор қилади. Билимини янада чуқурлаштириш мақсадида Хуросон, Исфаҳон, Бағдод, Макка, Хижоз шаҳарларига сафар қилади.

Замахшарий араб тилшунослигига катта ҳисса қўшган олимдир. Унинг бутун мусулмон дунёсига машҳур қилган 50 дан ортиқ асари ўрта аср олимлари томонидангина эмас, балки ҳозирги замон тадқиқотчилари томонидан ҳам эътироф қилинади. Олим асарлари араб наҳви, луғатнавислиги, адабиёти, аруз илми, диний илмлар, мантиқ каби илм гуруҳларини ўз ичига олади. Жумладан араб грамматикасига кирмай қолган қоидаларга бағишланган «Грамматик ҳужжатлар», сўзни тўғри ишлатиш, қоидаларга мувофиқ сўзлаш, сўз бойлигидан тўғри фойдаланишга бағишланган икки жилдли асари, грамматикага оид «Ал-Муфассал» ва унинг қисқартирилган шакли «Ал-Унмужаз» каби асарлари олимнинг араб наҳви илмида катта билимдон эканлигидан далолат беради. Айниқса «Ал-Муфассал» араб тилини ўрганувчилар учун тенги йўқ қўлланма ҳисобланиб, бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган. Замахшарий яшаган даврда Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда-ким мазкур китобни ёд олса, унга 5 минг кумуш танга ва сарупо совға ваъда қилган.

Замахшарий ижодини унинг «Муқаддаматул-адаб», «Ал-фойиқ фи ғарибил-ҳадис», «Асосу-л-балоға», «Китобу-л-жибол вал-амкина ва-л-мийоҳ» луғатларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Академик Алибек Рустамовнинг «Маҳмуд Замахшарий» номли рисоласи ўзбек ўқувчиларига аллома ва унинг «Муқаддаматул-адаб» асарини таништиришда биринчи қадам бўлган эди. «Муқаддаматул-адаб» адабга кириш демакдир. Асарнинг моҳиятини аниқ тасаввур қилиш учун луғат номидаги «адаб» атамасига эътибор бериш лозим. X-XII асрларда «адаб» деганда умумтаълим фанлари мажмуи тушунилган. Адабни тўла-тўкис эгаллаган киши ўз фаолият доираси билан ажралиб турган, у адиб саналиб Қуръон ва Ҳадисларни чуқур ўрганган олим сифатида юксак қадрланган. Адиб яъни маданиятли, ўқимишли ва саводхон даражасига кўтарилиш учун умумтаълим фанларини билиши зарур экан. Демак, аввало шу билимларни ўзлаштириш учун маълум доирада сўз ва атамалар бойлигига эга бўлиш талаб қилинади. Замахшарий шундай мақсадни ўз олдига қўяди ва тузган луғатини биз ҳозирги кунда «Тилшуносликка кириш», «Адабиётшуносликка кириш» деганимиздек, «Адабга кириш» («Муқаддаматул-адаб») деб атайди.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Китобу -л-жибол ва-л-амки на ва-л-мийоҳ» («Тоғлар, ўлкалар ва сувлар китоби») Арабистон ярим оролининг географик ҳудудларидан хабар берувчи луғатдир. Арабистон ярим оролида ва Маккада Замахшарий бир неча йил давомида яшаганлиги, у ерларни тўларок ўрганишга, уларни аниқлашга интилганлиги кўзга яққол ташланади. Олим ўз асарида фақатгина география фанига тегишли маълумотларнигина бериш билан чегараланиб қолмай, филология соҳасига ҳам оид жуда кўп маълумотлар — ўша давр шеър ва мақолаларидан кўпгина намуналар келтирган. Натижада бу луғат икки соҳани — география ва филологияни маълум бир даражада қамраб олувчи асар тусига эга бўлган. Маҳмуд Замахшарий луғати 1855-1856 йилларда Лейденда голланд арабшунос олими Т. Йейнболнинг шогирди Сальверда де Граве томонидан нашр қилинган. Асарнинг ўзи эса 169 бетлик араб матнига эга. Ҳозирги кунда ироқлик олим доктор Ас-Сомароий томонидан Бағдодда нашр қилиниши шубҳасиз луғатни тўларок ўрганишга катта ёрдам беради. Узбек географ олими Ҳамидулла Ҳасанов Замахшарийнинг бу луғатига муносиб баҳо берган эди.

Замахшарийнинг ғоятда кенг танилган «Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ иттанзил ва уйун ил-ақовил фи вужуҳи-т-таъвил» («Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш») бўлиб, Қуръон тафсирига бағишланган. Маълумки, ўрта асрлардан бошлаб Қуръонни тафсир ёки шарҳ билан ўқиш одат тусини олган. Шу боисдан ҳам Қуръон нозил бўлган даврдан бошлабоқ унга бағишланган тафсирлар, шарҳлар ёзишга катта эҳтиёж сезилган. «Ал-Кашшоф» Замахшарий Маккада турган пайтида, уч йил давомида ёзилган асардир. Немис шарқшунос олими Карл Броккелнман дунёнинг турли қўлёзма хазиналарида бу асарнинг юзга яқин қўлёзмалари ва асарнинг ўзига битилган йигирмадан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар борлиги ҳақида ёзиши Замахшарий асарининг катта шуҳратидан далолат беради. Миср Араб Республикасидаги дунёга машҳур Ал-Азхар диний университетининг талабалари ҳам «Ал-Кашшоф» асари асосида Қуръонни ўрганадилар.

Қоҳирада 70-йилларда катта қадимий бир харита нашр этилди. Бу харитада мусулмон оламида машҳур тилшунос, адабиётшунос, муфассирлар, фалсафа, тарих, тиббиёт каби фанлар йўналишида хизмат кўрсатган, мазкур соҳаларга асос солган олиму уламоларнинг суратлари ва муътабар исм-шарифлари жой олган. Харитада Марказий Осиёдан буюк сиймолар — Ибн Сино ва Маҳмуд Замахшарий суратлари берилиб, номлари, машҳур асарлари ва яшаган даврлари ёзиб қўйилган. Ватанини бутун мусулмон дунёсига машҳур қилган, алифбо тартибида луғат тузишни замонасида ва ҳозирги кунда араб луғатнафислигида шарҳ ҳамда ғарб олимлари томонидан тан олинган янги йўналишни асослаб, янги мактаб даражасига кўтара олган буюк олим, чуқур билими, даҳоси ва фаннинг турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқида унга катта шуҳрат келтирди. Шу боис алломага олимлар «Устозул-араб ва ал-ажам», «Фахри Хоразм» каби шарафли унвонлар бериб ҳурматлаганлар. Буюк ва машҳур олимлар, шоиру адиблар даврасида улуғ ватандошимиз доимо пешволардан бири бўлган.

Уткир ҚОРИЕВ,
Масъудали ҲАКИМЖОНОВ,
филология фанлари номзодлари.




*Шаҳримиздаги 299-мактабда инглиз тилини пухта ўргатувчи махсус ўқув гуруҳининг ташкил этилиши ота-оналар ва айниқса ўқувчиларга манзур бўлмоқда.*

*СУРАТДА: тажрибали муаллима Мавлуда Латипова дарс жараёнида.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

## Янги фильмлар

# «ЮЛДУЗИНГНИ БЕР, ОСМОН»

***Ўзбек киносининг 85 йиллигига «Юлдуз» ижодий уюшмаси, «Ўзбектелефильм» студияси ўзининг муносиб туҳфасини тайёрлади. Киночилар уйида режиссёр Фарид Давлетшин, сценарий муаллифлари Аъло Хўжаев, Вали Ғози ҳамкорликда яратган янги мусиқавий «Юлдузингни бер, осмон» бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.***



Сўнгги пайтларда бироз саёзроқ туюладиган «Оҳ Истамбул, Истамбул», «Ака Шариф Тошкентда» каби экран асарларидан кўнгил тўлмай турганда режиссёр Бақо Содиқовнинг «Имом ал-Бухорий», Фарид Давлетшиннинг «Юлдузингни бер, осмон» фильмлари дилга қаноат берди. Мусиқали бадиий фильмга энг аввало тўхталиш жоиз деб топган жиҳатлардан бу тасвир бетакрорлиги, гўзаллиги! Бунда оператор Ҳотам Файзиевнинг хизматлари беқиёс. Сиймо руҳияти, воқеликни очишда камера кўзгуси ҳеч бир ғализликларсиз, мукаммал акс эттириш имкониятидан фойдаланганлигини таъкидламоқчимиз.

...Малика Тоҳирнинг олдига муносабатларини ойдинлаштириш мақсадида студияга келади. Хонада Тоҳир Гўзалнинг қўлини... Малика нафрат билан (сиз ҳам Малика бўлиб кузатасиз) нигоҳини уларга тикади. Ҳиссини беҳаёларча яширмай кулаётган қизнинг танасидан бошига панорама қилинади. Қизнинг кулгуси кўққис тўхтайди. Унинг кўзи Маликага тушган, экранда эса лаби... ҳолатни бемалол тасаввур қилишингиз мумкин. Камера ортга қайтади. У Тоҳирнинг кўзларига тўқнашади. Йирик планда йигитнинг бесаранжом нигоҳи билакни тарк этиб, қўрқув аралаш аста кўз қири билан Маликага боқади...

Фильмда табиат манзаралари жуда чиройли тасмага тушириб, панорама қилинган. Экран асарининг тасвир жиҳатдан мукаммаллигини ҳар бир кадрда ҳис қилиш оператор Ҳотам Файзиевнинг маҳоратидан далолат. Шу ўринда унинг муваффақиятли чиқиб, томошабинлар ҳурматига сазовор бўлган режиссёрлик иши «Оқ бино оқшомлари» қисқа метражли бадиий фильмини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Мусиқани асарга композитор Анвар Эргашев басталаган, тасвир, мавзуга уйғунлашган, фильм давомида узвийлик билан таралган куй, ҳис-туйғуларнинг қўшиқ ва мусиқа билан чуқур ифодаланишига, мусиқавий фильм талабларига жавоб беради.

Режиссёр мусиқали экран асарига яхши мавзу, ижодий, техник жамоа йиғиш билан бирга қаҳрамонларга мос актёрлар ансамблини ташкил қилган.

Дилором Эгамбердиеванинг сиймоси Маликанинг, Фарҳод Файзиев ижросида (Тоҳир) қаҳрамони руҳиятининг очиб берилиши. Карим Мирходиевнинг содда, самимий кузатувчиси (Малика учун наҳорда сут келтириб қўйиши, юрак туғёни, муҳаббатини «сиз ҳозир нима хоҳлаяпсиз, айтайми..» деган дил изҳори) томошабин қалбида меҳр уйғотади. Асосий ғояни кичик-кичик новеллаларнинг бир бутунлиги тўлдириб боради.

Экранда ўз аксини тўла намойиш қилган Аъло Хўжаев ва Вали Ғози қаламига мансуб сценарий бадиий жиҳатдан бой, ухшатиш, деталлардан (унсурлардан) унумли фойдаланганлигининг исботи сифатида қуйидаги вазиятларни ёдга олишнинг ўзи кифоя: сигир ўғрилари воқеаси, ёш шифокорнинг беморни текшириши, Маликанинг кўнгил исёни, Тоҳир талабларига ортиқ чидай олмаслиги, ундаги аёл меҳри ришталари сабаб унсиз норозилик товадаги тухумларни зарб билан уришига, вужуди портлаб, энтикиб тўлиб-тўлиб йиғлашига қиёслаш маъносида шариллаб ёғаётган ёмғир, Гўзалнинг қўшиқ ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларига куй чалувчининг, умуман атрофдагиларнинг салбий муносабатининг сўзсиз юзидаги ифодаси.

Фильм қаҳрамонларининг ҳар бирининг ўз дунёси бор. Тоҳирдан нафратланасиз, бирдан қораламайсиз, хаёлдан «уйинга тушиб қолган» деган уй ўтади, лекин у хиёнат қилди. Хатоларни кечирса бўлади, аммо хиёнат хато эмас. «Сизни севаман, Малика... Гулнора, болаларим қани?» деган Каримни ҳам... Хулосани ҳар ким ўзи чиқаради. Қўшиқ матни билан танишаётган Маликанинг файзли ижодхонасига шошиб киришию, тўғрида пианино, мусиқа садолари ва қўшиқнинг туғилиши... Экран асарининг том маънодаги муваффақиятининг мезони унда инсон муаммоси кўтарилганлигида.

Кузатувчининг турмуш тарзи, қалбига кўққисдан севгининг меҳмон бўлиши, оиласи қоялар бағридаги қорлар пойига ястаниб ёзилган момоқаймоқдек.

Маликанинг меҳрга айланган кузатувчига нисбатан қайтариб бўлмас буюк муҳаббати... Аёл севди. Жавоби бор имконсиз севги ҳижрони ичра юлдуз суюб, осмонга суюкли юлдуз бўлди. Сиз қадрига етмасангиз, керак бўлмаса осмон олиб кетди, севги қуним топган юракни.

Аслида ҳаётнинг айтилмас, кўндирсада, тан олинмас қонунияти — бу!

Маҳлиё МИРСОАТОВА.

## Китоб жавонингизга

# ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛГА БАҒИШЛАБ

Мумтоз адабий асарларимиз бағоят улкан маданий меросимиз, халқимизнинг битмас-туганмас бойлигидир. Уларни ўрганиш, тадқиқ этиш фанимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Шу даврга қадар ўзбек мумтоз адабиёти асарларини ўрганиш учун «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» (Тошкент, 1952), «Навоий асарлари луғати» (Тошкент, 1972), «Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (Тошкент, 1983, 1984, 1985) ҳамда В. Раҳмоновнинг «Узбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» (Тошкент, 1983) китоблари нашр қилинган. Тилшунос олим Жавқон Лапасовнинг яқинда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати» ҳам шундай изланишлар сирасига киради.

Маълумки, ўрта мактабларда ўзбек мумтоз адабиёти V-X синфларда ўрганилади. Бу асарларни ўрганиш учун эса алоҳида махсус луғатларнинг бўлиши талаб қилинади. Ж. Лапасов томонидан тузилган ушбу луғатнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унга киритилган изоҳталаб сўзлари фақат ўша синфларга мўлжалланган дарсликлар ва мажмуалардаги ўзбек мумтоз асарлари матнидан танлаб олинган.

Луғатда мактаб дарсликларига киритилган мумтоз асарлар матнида учровчи тушунилиши қийин бўлган ҳар бир сўзга қисқача, енгил услубда, осон тушуниладиган қилиб изоҳ берилган. Сўзнинг маъноси изоҳлангач, унга ўша сўз ишлатилган байт ёки парча мисол тарзида келтирилган. Чунончи, луғатда «ўтмакчи» сўзининг «новвой», «нон сотувчи» маъносини билдириши изоҳлангач, бунга А. Навоийнинг «Маҳбубул -қулуб» асаридаги:

**Ўтмакчи тануpи андин қизиқ,**
**Аллоф бозори андин иссиқ,—**

парчаси намуна сифатида келтириб ўтилган.

Луғатни кўздан кечирар эканмиз, бунда буюк шоиримиз Алишер Навоий асарлари матни асосида ахтар (чўғ, олов), аълам (билағон, билимдон), барқ (яшин, чақмоқ), бебок (қўрқмас, ҳайиқмас), беша (чакалакзор, чангалзор, ўрмон, тўқай), вард (қизил гул), гулбонг (баланд овоз, хуш овоз), дайр (бутхона, ибодатхона), даҳр (дунё, олам), дилистон (кўнгил олувчи, кўнгил кўтарувчи), жазойир (сув ўртасидаги қуруқлик, орол), жовид (абадий, мангу, доимо) сингари қатор сўзларнинг маънолари очиб берилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Луғатда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарлари, хусусан «Бобурнома»да учровчи талай сўзларга ҳам изоҳлар берилган, уларни асослаш учун парчалар келтирилган.

Бундан ташқари, луғатда дарсликларга киритилган Аҳмад Яссавий, Носириддин Рабғузий, Саккокий, Лутфий, Комил Хоразмий, Мунис Хоразмий, Мужрим Обид, Машраб, Турди, Махмур, Гулханий, Нодира, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Завқий асарларида учрайдиган маъноси изоҳталаб сўзлар тушунтириб берилган. Улар асардан олинган кўчирмалар билан исботланган. Луғатда ёзилиши бир, аммо маъноси ҳар хил бўлган шаклдош сўзлар (омонимлар) алоҳида-алоҳида изоҳланган. Китобда кўп маъноли сўзларга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Хуллас, ўрта мактаблар учун мўлжаллаб чиқарилган ушбу луғат ўқувчиларда мумтоз асарлар матнларини лисоний таҳлил этиш кўникмаларини ҳосил қилишда катта аҳамият касб этади. Китобхонларда мумтоз асарларни ўрганишга бўлган қизиқишни янада орттиради.

Носиржон ОХУНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

